

ХУСАЙНИЙНИНГ "АРО" РАДИФЛИ ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛИ

Абдурашид ТУРСУНОВ

Ўқитувчи

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси

Термиз давлат университети, Термиз, Ўзбекистон

Жавоҳир БОЗОРОВ

Талаба

Ўзбек филологияси факультети

Термиз давлат университети, Термиз, Ўзбекистон

АНАЛИЗ ГАЗЕЛИ ХУСЕЙНИ С РЕДИФОМ "АРО"

Абдурашид ТУРСУНОВ

Преподаватель Термез, Узбекистан

Кафедра литературоведения

Термезский государственный университет, Термез, Узбекистан

Жавоҳир БОЗОРОВ

Студент

Факультет узбекской филологии

Термезский государственный университет, Термез, Узбекистан

ANALYSIS OF HUSSAINI'S "ARO" RADIF GHAZAL

Abdurashid TURSUNOV

Department of Uzbek literature

Termez State University, Termez, Uzbekistan tursunov_a@mail.ru

Javohir BOZOROV

student

Termez State University, Termez, Uzbekistan javohir_b@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 821.512.133-1

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Турсунов А., Бозоров Ж. Хусайнийнинг "аро" радифли ғазали таҳлили. // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 3 (38). — Б. 257-265.

<https://doi.org/10.36078/1627270982>

Received: May 14, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Ушбу мақолада Хусайнийнинг "аро" радифли ғазали таҳлил қилинган. Ғазалнинг баҳри, рукнлари аниқланган, тақтеъси ишлаб чиқилган. Бу Хусайний бадий маҳоратини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мумтоз поэтиканинг муҳим узви ҳисобланган аруз ғазалдаги шакл ва мазмун уйғунлигини таъминловчи омиллардан биридир. Ғазал таҳлилида шоир қўллаган сўзлар, уларнинг муайян тарихий даврларда қандай маъно англатганлиги, бугун ҳам истеъмолда бўлган сўзларнинг ғазалда — бадий матндаги мазмуний ифодаси очиб берилган. Бу эса ғазалнинг мазмун-моҳиятини англашга ҳамда шоир руҳий оламини теранроқ идрок этишга хизмат қилади. Ғазалнинг махсус қоида ва талаблар асосида ёзилиши сир эмас. Бу қоидалар тизими эса аруз деб аталувчи бир тизимдирки, унинг таркибидаги ҳар бир бўлак муайян математик формула каби қатъий қоидага бўйсунгани талаб этади. Муаллифлар ғазални шакл ва мазмун нуқтаи назаридан чуқур ўрганишга, унинг туб ва қўшимча маъноларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Ғазал байтларини таҳлил қилиш жараёнида шоир қўллаган

шеърӣй санъат ва тасвир воситалари махсус ўрганилган. Бу, ўз навбатида, ғазалнинг бадий хусусиятларини, айти пайтда, шоирнинг ижодий маҳоратини очиб бериш учун хизмат қилади. Бир ғазал мисолида Хусайнийнинг шоир сифатида мумтоз адабиётимиз тарихида туган ўрнига баҳо берилган.

Калит сўзлар: Хусайний; шоир; шеър; ғазал; байт; бадий маҳорат; шеър таҳлили; аруз; шеърӣй санъат.

Аннотация. В статье анализируется газель поэта Хусейни с редифом “аро”. Авторы выявляют метрические особенности этой газели, которые играют значительную роль в изучении художественного мастерства Хусайни. При анализе газели раскрывается значение слов, использованных в художественном тексте — в газели. Это помогает раскрыть смысл данной газели, также осознать духовный мир поэта. Ни для кого не секрет, что газель пишется по строго определенным правилам. Метрика аруз и каждая ее часть требует строгого соблюдения этих правил. Поэтому авторы попытались глубоко изучить газель с точки зрения формы и содержания, определить ее основное и дополнительное значения.

Кроме того, в процессе анализа газели особое внимание уделено поэтическим фигурам, использованным автором. Это послужило раскрытию художественных особенностей газели, а главное — творческого мастерства автора. На примере данной газели показаны место и роль Хусейни в истории узбекской классической литературы.

Ключевые слова: Хусейни; поэт; стихотворение; газель; художественное мастерство; анализ стиха; аруз; поэтическое искусство.

Abstract. The article analyzes the gazelle of the poet Husseini with the redif "aro". The authors reveal the metric features of the gazelle, which play a significant role in the study of the artistic skill of Husaini. Since aruz, as an important component of classical poetics, ensures the harmony of form and content in the gazelle. When analyzing the gazelle, the semantic analysis of the words used in the literary text — in the gazelle — is carried out, which helps to reveal the meaning of this gazelle and understand the spiritual world of the poet. It's no secret that a gazelle is written according to strictly defined rules and requirements. The aruz metric and each part of it requires a strict rule as a definite mathematical formula. Therefore, the authors tried to study the gazelle in depth from the point of view of form and content, to determine its initial and additional meanings.

Keywords: Husseini; poet; poem; ghazal; verse; artistic skill; analysis of poetry; aruz; poetic art.

*Ваҳки, кўнглум ноласи ҳар дам бузилгон жон аро
Гўйиё бир чуғз эрур, фарёд этар вайрон аро.*

*Ҳуққаи лаълинг аросинда эрурму дур тишинг
Ё эрур ул жолаким, бўлгай гули хандон аро.*

*Ҳар киши кўрса парилар ичра сен кўз мардумин,
Бир парини жилва қилгон согинур инсон аро.*

*Онча қон тўкти кўзум ҳажрингда, эй қон тўккучи,
Энди кўз очсам кўрармен, оламедур қон аро.*

*Сел келса жола бирла, ўхшатурман ангаким,
Кўзларимнинг оқи оққан дийдаи гирён аро.*

*Истагач мажруҳ кўнглумдин, ўқини раишкдин,
Топмасун деб ёшурубмен сийнаи бир ён аро.*

*Икки қошининг хаёли муттасил кўнглумдадур,
Бир диловардекки, солмиш икки ё қурбон аро.*

*Ҳажр гирдобида зарқ ўлдум, каманди васл ила
Чек мениким, қолмайин бу баҳри бепоён аро.*

*Келди ишқимга илож этмакка бир кун бир рафиқ,
Эй Хусайний, қуйди ушбу шуълаи сўзон аро.*

Тўққиз байтдан иборат, ишқий мавзуда ёзилган ушбу ғазал ўзбек шеърлятида энг кўп ишлатиладиган рамали мусаммани маҳзуф (ёки мақсур)) вазнидадир. Унинг тактеъси қуйидагича: – U – – / – U – – / – U – – / – U – (фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-лун (ёки: фо-и-лон)).

Радифи соф туркий (ўзбекча) сўз. Қофиялари ўзбекча — қон; форсий — жон, вайрон, гули хандон, дийдаи гирён, бирён, қурбон, бепоён, сўзон ва арабий — инсон сўзларидан тизилган.

*Ваҳки, кўнглум ноласи ҳар дам бузилгон жон аро
Гўйиё бир чуғз эрур, фарёд этар вайрон аро.*

Матлаънинг биринчи мисраси “ваҳки” билан бошланган. Ушбу ифода орқали ошиқнинг кўрқув ҳолати тасвирланган. Ваҳки сўзи бошқа оҳ, ой, эҳ каби ундов сўзлардан фарқли равишда кўпроқ сўзловчининг кўрқув ҳолатини, афсусланиш билан боғлиқ туйғуларини ифодалашда қўлланилади. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари ўзларининг “Сирр ул-асрор” китобида “оҳ” Аллоҳнинг исми, “воҳ” эса шайтоннинг исми эканлигини айтган эдилар..

Биринчи мисрани қуйидагича тушуниш мумкин: “Менинг бузилган (ишқнинг дарду ғами, балову машаққатлари сабабли ҳам вайрон бўлган, оғриган, хасталанган) жонимнинг ичида кўнглимнинг ноласи..”. Мисрани кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, ошиқнинг кўнгли нола қилмоқда, яъниким қийналмоқда. Бу ўринда кўнглининг нола қилишини умумий қилиб “кўнгли оғримокда”, дейиш ҳам мумкин, бироқ иккинчи мисрада айнан “кўнгли ноласи” бирикмасига ўхшатма келтирилганлиги учун ҳам бундай изоҳлаш гўёки бироз ғализлик келтириб чиқарадигандек..

Иккинчи мисрада эса юқоридаги фикрга ўхшатма келтирилмоқда, яъни бузилган жоннинг ичида кўнглининг нола қилиши айнан вайрона (хароба) ичида фарёд чекаётган чуғз (бойкуш)га ўхшатиляпти. Шу ўринда бир савол туғилади, кўнглининг нола қилиши нега айнан бойкушга ўхшатилямоқда, нега бошқа қушларга эмас? Бунинг боиси шуки, биринчи мисрадаги кўнгул ҳам бузулган жоннинг ичида нола қилмоқда. Бу ўринда шоир бузилган жонни иккинчи мисрада вайронага менгзамокда. Чунки жон (вужуд, тана ҳам) ишқ

дардидан куйиб адойи тамом бўлган. Аҳвол шу даражага бориб етганки, агар жонга (танага, вужудга ҳам) бирор-бир дармон қилинмаса — дарди аритилмаса, дард уни (тану жонни) тез орада йикитади. Иккинчи мисрадаги *вайрона* сўзини худди шундай изоҳлаш мумкин. Маълумки, вайрона деб қанчадир миқдорда бузилиб яшаш мумкин бўлмаган ва қолган қисми ҳам нураб кетаётган бирор иморатга айтилади. Демак, вайронага ташки томондан ҳеч қандай бир ёрдам берилмаса (таъмирланмаса), у ҳам бузилган (хасталанган) жон тўшакка миҳлангани каби нураб кетиши мумкин. Бу икки сўз учун бир-бирига нақадар мос қиёс топилганлигининг ўзи ҳам шоир маҳоратидан дарак беради. Бу байтда шоир кўнгилини чуғзга, унинг ноласини бойқушнинг фарёдига, бузулгон (хасталанган) жонни эса вайронага ўхшатиб байтни ташбеҳ санъати ёрдамида шакллантирган. Муаллиф икки мисрада бир-бирига қиёсланган сўзларни қўллаган, яъни: кўнгул — чуғз, унинг ноласи — чуғз фарёди ва бузулгон жон — вайрона. (Ёки бироз ғалатирок: кўнгул ноласи — бойқуш (!) ва у бузулгон жон — вайрона орасида фарёд чекмоқда.) Шу икки мисрадаги сўзлар қиёсининг ўзи ҳам ҳам Хусайнийнинг юксак бадиий маҳорати ва сўз қўллашда ўта зийраклигидан дарак беради. Бу сўзлар, ўз навбатида, мисралардаги мазмуний боғлиқликни таъминлашда ҳам етакчи ўрин тутди. Байтдаги нола ва фарёд, кўнгул ва жон, вайрон ва бузулгон сўзлари муаллифнинг таносуб санъатини истифода этганини кўрсатмоқда. Бу байтда тамсил санъатини ҳам кўриш мумкин, чунки биринчи мисрадаги фикрга иккинчи мисрада ҳаётини мисол келтирилмоқда.

*Хукқай лаълинг аросинда эрурму дур тишинг
Ё эрур ул жолаким, бўлгай гули хандон аро.*

Лирик қаҳрамон (ошиқ, шоир) ўз аҳволдан шикоят қилиб, арзи ҳол қилгач, яна ёрга мурожаат қилади. Аммо бу сафар унинг гўзаллигини мадҳ айлаб, ўзининг ҳайрону лол қолганини ҳам изҳор этади. “Хукқай лаълинг аросинда эрурму дур тишинг”, яъни: сенинг лаб ва тишларинг шунчалик даражада гўзалки, худди хукқай лаъл (лаълдан ясалган тақинчоқлар солинадиган қутича (лаъл — қадимда Бадахшондан қазиб олинган қимматбаҳо тош)) ичидаги дур шодасига ўхшайди (-ми ёки...). Мисрада келтирилган маънони янада яққолроқ тасаввур қилиш учун чуқурроқ тафаккур қиламиз. Фараз қилайлик, хукқай лаълнинг копқоғи очилди ва унинг ичида аёлларнинг турфа хил тақинчоқлари турибди. Шу вақтда кўзимиз, албатта, очиқ ва ёрқин рангда товладиган тақинчоқни биринчи навбатда илғайди. Дур худди ана шундай ёрқин оқ рангдаги тақинчоқдир. Айнан, ёр ҳам бироз жилмайган эди, оғзидаги оппоқ тишлари кўриниб кетди. Шу сабабли ҳам шоир иккинчи байтнинг биринчи мисрасида ўзининг наздида ёрнинг тишларини дурга ўхшатмоқда. Ошиқ ўзи шундоқ ҳам ёрнинг лабига маҳлиё эди, бунинг устига, энди тишларининг гўзаллиги кўшилиб кўриниб, ҳайронлиги янада ортди. Ушбу ҳайроналиклар сабабидан ҳам, қолаверса, маҳбубасининг беқиёс гўзаллиги боис ҳам унинг қайси жиҳатини нимага ўхшатмасин, барибир, унинг кўнгли мутлақо тўлмайди, билъакс, иккиланаверади, иккиланаверади... (— “...эрурму...”).

Байтнинг иккинчи мисрасида эса ошиқ ўзининг юқоридаги ташбеҳидан қониқиш туймайди, аксинча, қарашларини ривожлантириб бундан ҳам устун бўлган қиёсга чоғланади. Чунки ёр гўзалликларга бой бир хилқатдир. Иккинчи мисрада ошиқ-шоир юқоридаги фикрдан бир оз қайтгандек ҳам бўлади — маъшуканинг

тишларини бошқа нарсага ўхшатади, яъни: *Ё эрур ул жолаким, бўлгай гули хандон аро*. Мазмуни: “Ёки сенинг тишларинг гули хандон (очилган гул) устидаги жола (томчи, шудринг, дўл донаси) ми?”. Бироқ шоир иккала фикрида ҳам қатъий эмас, хулоса ёрнинг ўзига ҳавола қилинган. Ишқ сабабли маст бўлган лирик қаҳрамонга хос бўлган ҳолат, албатта. Шунингдек, ошиқнинг бутун иши маҳбубасининг ризосини топмоқ, унинг эътиборига сазовор бўлмоқдан бўлади. Ушбу мақтовдан ҳам, юқоридаги арзи ҳолдан ҳам мурод — аслида, шу. Хуллас, ошиқликнинг одоби шуни тақозо этади. Мазкур мисрада шоир ёр тишларини табиатда учрайдиган бошқа бир ҳолатга ўхшатиш асносида пейзаж тасвиридан усталик билан фойдаланган. Бу байтнинг биринчи мисрасида шоир тишни дурга ўхшатиб ташбеҳ санъатини қўллаган бўлса, лаб ва тиш сўзларининг иштирокига қараб бу ерда таносуб санъатини ҳам қўллаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бадиият қонуниятига кўра, бу санъатлар таҷоҳули орифонани ташкил этувчи санъатлардир, дейиш мумкин.

***Ҳар киши кўрса парилар ичра сен кўз мардумин,
Бир парини жилва қилгон согинур инсон аро.***

Учинчи байтга диққат қаратсак, ошиқ яна ёрға мурожаат қилмоқда, бу сафар ёрни мақташ, улуғлаш аввалги байтдагига қараганда яна ҳам ортиқроқ, яққолроқ намоён бўлади. Ёрнинг лабу тишларининг мадҳидан сўнгра шоир маҳбубанинг юзи ва қоматига баҳо берадики, бунда ҳам ўзига хос гўзал йўл ва услубдан фойдаланади. Ошиқ маъшуқасига: *Ҳар киши кўрса парилар ичра сен кўз мардумин*, — деб мурожаат қилади. Бу мисранинг шарҳидан аввал “пари” сўзининг маъносига бир назар ташлаймиз. Бизга халқ ижоди ва диний манбалардан маълумки, парилар жинларнинг бир қавми бўлиб, инсонга нисбатан ниҳоятда гўзал бир хилқат сифатида зикр этилади. Шунинг учун ҳам фолклор намуналарида ҳам, мумтоз ва замонавий адабиётда ҳам гўзалларга нисбатан ишлатилган “пари”, “паридек”, “пари каби”, “париваш”, “пари мисол”, “паризода”, “парирўй”, “парипайкар” каби кўплаб сўз ва ибораларни учратамиз. Энди мисрага қайтадиган бўлсак, ошиқ ўз ёрининг парилар орасида ўтиришини қиёслаб айтиш билан биргаликда уни парилардан фарқлаб ҳам қўймоқда. Буни “кўз мардуми” ибораси билан изоҳлаш мумкин. Париларга мумтоз манбаларимизда кўзга кўринмайдиган сифатга эга деб қаралади. Баъзи ривоятларда келтирилишича, улар олов, ҳаво ва рух аралашмасидан яратилган экан. Шунинг учун ҳам улар ўзидан нур ўтказиб кўзга кўринмаслик хусусиятига эга бўлганликларга айтилади. Шу боис ошиқ ўз ёрини пари эмас, айнан кўз мардуми деб атамоқда. (“мардум” сўзининг бир маъноси “одамлар” бўлса, яна бири “кўз қорачиги” демоқдир.) Инсон қанча гўзал бўлмасин, у барибир кўзга кўринадиган мавжудот эканлигига эътибор қаратилмоқда. Иккинчи мисрада биринчи мисранинг воқеий давоми баён этилган: *Бир парини жилва қилгон согинур инсон аро*, яъни сенинг парилар ичида ўтиришинг гўёки инсонларнинг орасида парининг ўтирганига ўхшайди, дейилмоқда. Аниқроғи, мазкур байтнинг тўла маъноси шуки, “Кимки сени парилар орасида кўрса, сени пари, уларни эса одам боласи деб ўйлайди”, демак. Париларнинг гўзалликда инсонлардан ортиқлиги қай даражада бўлса, сенинг гўзалликда парилардан устунлигинг шу қадар, демоқчи ошиқ-шоир. Мисрадаги жилва қилмоқ сўзи чиройли кўринмоқ маъносини ифодалайди, бу мисрада эса айнан кўринмоқ (паридек (гўзал) кўринмоқ) маъносини ифодалаб келган. “Согинмоқ”

сўзи эса “истамоқ”, “изламоқ” маъноларини ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Бу ўринда эса “(деб) ўйламоқ” маъносида келган деб айта оламиз, яъни, юқорида айтганимиздек, сенинг парилар орасида ўтиришингни кўрсалар, инсонлар орасида бир пари жилва қилмоқда (кўринмоқда) деб ўйлайдилар (соғинурлар). Байтнинг биринчи мисрасида истиора санъати (кўз мардуми) қўлланган.

Кейинги байт:

***Онча қон тўкти кўзум ҳажрингда, эй қон тўккучи,
Энди кўз очсам кўрармен, оламедур қон аро.***

Ушбу тўртинчи байтга келиб, ошиқ ёрга бўлган ишки, ундан айроликдаги ҳаёти боис ўзида кечаётган ўзгаришлар ҳақида севганига шикоят қила бошлайди. Биринчи мисрада шундай дейди: “Сенинг фироқингда кўзим шунчалик (кўп) қон тўкдики, эй қон тўккучи...”. (Бунинг барчасига асосий сабабчи фақат сенсан, яъни сенинг беилтифотлигинг — бунинг боиси. Ва бу янглиғ ишлар сен ва сен кабиларгагина хосдурки, жаллодлар ҳам сизнинг олдингизда хижолатдур.)

Байтдаги иккинчи мисранинг маъноси: “(Отаси ўлган ҳам дам олиб, дам олиб йиғлайди, — деганларидек) *бир вақт йиғидан тўхтаб кўзимни очсам, ҳамма ёқ бутунлай қип-қизил қонга бўялмиш...*”. Бу ўринда шоир муболаға санъатидан усталик билан фойдаланган. Зеро, йиғлаш сабабли кўздан ҳеч вақт унча-мунчага қон оқмайди, оқса ҳам, қанақадир жиддий касаллик ёки ташқи таъсир, жароҳатлар туфайли содир бўлиши мумкин, деб қаралади. Биринчи мисрада ошиқ нима учун кўп йиғлаганини айтди ва бу йиғига сабаб ёр (қон тўккучи) эканлигини ҳам айтди. Энди иккинчи мисрада ошиқ йиғлайвериб чарчаб, кўз ёши тугаб, аста кўзини очса, шу қадар кўп йиғлаганидан (қон тўкканидан) атроф қип-қизил қонга бўялганлигини айтмоқда (Бу байтда шоир муболағанинг юқори даражасидан фойдаланган).

***Сел келса жола бирла, ўхшатурман ангаким,
Кўзларимнинг оқи оққан дийдаи гирён аро.***

Бешинчи байтда ошиқ табиат ҳодисасини ёр ишки туфайли вужудида рўй бераётган ўзгаришларга менгзайди. Бу байтнинг биринчи мисрасида шоир шундай дейди: “Сел жала (дўл) доналарини оқизиб келса, мен уни шунга ўхшатаманки...”, иккинчи мисра: “(Кўп йиғлайверганимдан) кўзларимнинг оқи (кўз соққаси)нинг дийдаи гирён (форсий — йиғлоқи кўз (дан тўкилган кўзёшлар)) аро оққандек гўё”. Демак, сел бу — дийдаи гирён, жола (дўл (донаси)) эса кўз соққасига қиёсланмоқда. Лекин агар одатий, тартибига кўра, яъни “сел” — “кўз оқи”, “жола” — “дийдаи гирён” деб берилса, маъно чикмай қолади. Аммо нега энди кўзёши селга ўхшаши керак? Ахир сел — лойқа (ҳатто қип-қизил ҳам), кўзёш эса тип-тиниқ бўлмайдими? Гап шундаки: “Онча қон тўкти кўзум...”, — деган эди шоир аввалги байтда. Демак, унинг селга ўхшаши айнан шу асосга кўрадир. Бу байтда ҳам худди биринчи байтдаги каби икки мисрадаги тўртта сўз бир-бирига жуфтланиб (“сел” — “дийдаи гирён”, “жола” — “кўзнинг оқи”) қиёсланган. Бундан ушбу байтда ҳам ташбеҳ санъати қўлланганини кўришимиз мумкин. Биринчи мисрадаги “сел” ва “жола” (жала), иккинчи мисрадаги “дийдаи гирён” ва “кўз” сўзлари таносуб санъатини вужудга келтирган.

***Истагач мажруҳ кўнглумдин, ўқини рашкдин,
Топмасун деб ёшурубмен сийнаи бирён аро.***

Олтинчи байтда шоирнинг маҳорати янада яққолроқ намоён бўлади. Айтадики: “Ёр ўзининг ғамзаси ўқини менинг (айнан ўша ўқдан) жароҳатланган кўнглимдан истагач, яъни қизғонгани (рашки) туфайли раво кўрмасдан қайтариб олишни хоҳлагач, (иккинчи мисрада) мен уни (ўқни) топа олмасин деб, (сийнаи бирён аро) қовурилган кўксимга яшириб қўйдим. (Зотан, бошқа яширадиган жойим ҳам йўқ. Бўлганда ҳам энг мақбули шу деб билдим.) Демакки, маъшуқа ўзининг ҳеч нарсасини ошиққа раво кўрмасдан қайтариб олишни истаётган экан, энди ошиқ ҳам қандайдир йўллар билан бўлса-да, бу ўқни қайтариб бермаслик чорасини қилиши керак, чунки ошиққа маъшуканинг ҳар бир нарсаси жондан-да азиз, ҳатто унга берадиган азоби ҳам. (“Иста ёр бўл, иста ярала, лутфинг ҳам бош устига, қаҳринг ҳам”, дегандек гўё). Сийна сўзи кўкрак, кўкрак қафаси; қалб, дил маъноларида қўлланилади. Демак, ошиқ маъшукасининг ғамзаси ўқини кўксига шундай яширганки, буни гўёки сихнинг кабоб орасида кўринмай кетишига қиёслаш ҳам мумкин бўлар, эҳтимол.

Еттинчи байт:

***Икки қошининг хаёли муттасил кўнглумдадур,
Бир диловардекки, солмиш икки ё қурбон аро.***

Байтдаги нотаниш сўзлар: муттасил — туташ, узлуксиз, доимо; диловар — юракли, ботир, паҳлавон, қаҳрамон; ё — ёй. Қошининг ёйга ўхшаши назарда тутилган; қурбон — бу ўрида: қурбон бўлган — сўйилган маъносида.

Байтнинг насрий баёни: “Кўнглумда ҳар доим сенинг икки қошинг — қошларининг хаёли, яъни фақат улар ҳақида ўйлайман (икки қошинг кўнглумни банд этган), Бу худди бир паҳлавон (ботир) қурбон ўртасига (орасига) икки ёйни солиб қўйгандек”.

Хаёл — диловар, яъни ботир. Қурбон бўлган нарса, бу — кўнгил. Ёйга ўхшатилаётган қошлар худди шу кўнгилни жазоловчилар. Улар гўё кўнгилга санчилиб, уни икки томонга тортаётгандек... Умуман олганда, байтда кўнгилнинг ёрни ўйлаб изтироб чекиши деталлар билан, яъни қош ёрдамида талқин қилинган. Аввалги байтда ҳам ёйдан отиладиган ўқ ҳақида сўз кетган эди.

***Ҳажр гирдобиди ғарқ ўлдум, каманди васл ила
Чек мениким, қолмайин бу баҳри бепоён аро.***

Саккизинчи байтда ошиқ яна ёрга юзланади. “Ҳажр гирдобиди ғарқ ўлдим”, — дейди у. Нотаниш сўзлар: ҳажр гирдоби — айрилик гирдоби (яъни уйрум, унга тушган одам сув қаърига тортилади); каманди васл — висолинг арқони, сиртмоғи; чекмоқ — тортмоқ, бу ўринда: кутқармоқ; баҳри бепоён — чексиз денгиз.

Мазкур байтнинг насрий баёни шундай: “Айрилиқнинг гирдобиди (уйрумида) ғарқ бўлдим, чўкяпман. Васлинг сиртмоғи (каманди) ила мени тортиб олди (чек мениким), бу баҳри бепоён (чексиз денгиз) ичида қолиб, ўлиб кетмайин”, — деб илтижо этмоқда бечора ошиқ. Бу ўринда ҳижрон мисоли бир денгизга ўхшатилаптики, бу денгиздан, айниқса, унинг гирдобидан кутқарувчи нарса битта, у ҳам бўлса — ёрнинг васли. Бошқа жиҳатдан ҳам бу васл ошиқ учун гўё бир сиртмоқ кабидирки, маъшуқа уни ўзига боғлаши ҳам, кутқариши

ёхуд ўлдириши ҳам мумкин. Аслида, ошиқни чўктираётган нарса ҳам шу висолдан маҳрумлик, яъни ёрнинг унга кўриниш бермаганидир. Висол — айрилиқнинг ниҳоясидир. Шоир бу икки қарама-қарши, эгизак тушунчалардан усталик билан тазод ёрдамида фойдаланган.

Мақтаъда ошиқ ҳолидан хабар олгани дўсти келганини айтади:

*Келди ишқимга илож этмакка бир кун бир рафиқ,
Эй Хусайний, қуйди ушбу шуълаи сўзон аро.*

Ишқ шундай нарсаки, у одамни телба қилиб қўяди. У ақлдан устун ва унга бўйсунмайдиган бир туйғу ва шунинг учун ҳам ошиқ мақтаъда ишқ етказган ғам-андухдан уни кутқариш учун дўсти келганини айтмоқда, яъни ишқим мени шунчалар адои тамом қилдики, бу ишқни бир ёқлик қилишга бир кун бир дўстим келди, (биринчи мисра); Иккинчи мисрада: “Эй Хусайний”, — деб шоир ўзига гўё ўзгага мурожаат қилгандек мурожаат қиляпти. Яъни, эй Хусайний, менга ёрдам бераман деб келган дўстнинг ўзи ҳам бу ишқим оташидан (шуълаи сўзондан) қуйиб қолди”. Бу худдики бир киши сувда чўкаётган одамни кутқараман деб ўзи ҳам ғарқ бўлган мисол. Юқоридаги ғазални ўрганиш жараёнида Хусайнийнинг ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллашига, умуман, юксак бадий маҳорат эгаси эканлигига амин бўламиз. Ғазалда қўлланган сўзларга жиддий эътибор билан ёндашсак, кўрамизки, уларнинг ўрнига бошқа сўз қўллаш, ғазални ҳам мазмуний жиҳатидан, ҳам қурилиш жиҳатидан услубий ғализликни юзага келтурур эди ёхуд ғазални маъновий бузилишга учратиши мумкин эди. Энди бу сўзнинг қўлланиши ғазалнинг ислубий қурилишига таъсир қилишига эътибор қаратамиз. Кўришиб турибдики, шоир *чуз* сўзини ғазалда келтириш билан мисранинг ўзидан олдинги мисранинг вазн ўлчовларига мос келишини таъминлаган. Англаймизки, шоир ҳар битта сўзни нозик дид ва юксак маҳорат билан танлаган. Шоир асаридаги бирор-бир сўзнинг ўрнига бошқа шу каби мазмуний яқин маънолисини қўйишнинг имкони деярли йўқ. Бу эса Хусайнийнинг ғоятда буюк истеъдод соҳиби бўлганлигидан дарак беради. Бундай юксак савия ва билимга эга бўлиш эса ҳамма ҳукмдорларга ҳам насиб этавермаганлигини тарихдан яхши биламиз. Аммо шуниси ҳам борки, ёнида ҳазрат Навоийдек дўсти ва вазири бўлган зотга бу фазилатлар ҳам камдек гўё.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бойқаро Хусайн. Жамолиндин кўзум равшан. — Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. — 26 б.
2. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. — Тошкент: Шарқ, 1998. — 280 б.
3. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? — Тошкент: Шарқ, 2001. — 95 б.
4. Юсупова Д. Аруз алифбоси. — Тошкент: Академнашр, 2015. — 136 б.
5. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. — Тошкент: Фан, 1985. — 580 б.
6. Навоий асарлари луғати. — Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. — 784 б.
7. Оллоёр, Сўфи. Сабот ул-ојизин. — Тошкент: Меҳнат, 1991. — 212 б.

References

1. Boikaro Husain. *Zhamolingdin kuzum ravshan* (I'll be happy if I see you), Tashkent: Gafur Gulom nomidagi nashriet-matbaa birlashmasi, 1991, 126 p.
2. Hozhiahmedov A. *Uzbek aruzi lugati* (Dictionary of Uzbek aruz), Tashkent: Shark 1998, 280 p.
3. Hozhiahmedov A. *She"r san"atlarini bilasizmi?* (Do you know the art of poetry?), Tashkent: Shark, 2001, 95 p.
4. Yusupova D. *Aruz alifbosi* (Aruz Alphabet), Tashkent: Akademnashr, 2015, 136 p.
5. *Navoi asarlari tilining izohli lugati. Turt tomlik* (Explanatory Dictionary of the language of Navoi's works, Vol.4), Toshkent: Fan, 1985, 580 p.
6. *Navoi asarlari lugati* (Dictionary of works of Navoi), Tashkent: Gafur Gulom nomidagi Adabiet va san"at nashrieti, 1972, 784 p.
7. Olloer Sufi. *Sabot ul-ozhizin* Toshkent: Mehnat, 1991, 212 p.